

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7866895>

**Исақова Шохсанам Хасанбой қизи**

*Андижон давлат университети Лингвистика йўналиши магистранти*

Рус тили ташувчиларининг Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилиши, асосан, XX аср бошларидан бошланганини инобатга олсак, шу вақтдан эътиборан рус тилининг ўзбек тилига, ўзбеклар лисоний онгига таъсири кузатила бошланди. Лексик таъсир анъана тусига кирди ва ўзбек тилининг лексикасидан жой олди: рус тили ва рус тили орқали Европа тилларидаги лексик бирликларнинг ўзбек тилига ўзлашиши фикримиз далили. Аммо биз тадқиқотимиз доирасида рус тили ва у орқали бошқа хорижий тилларнинг ўзбек лисоний манзарасига таъсири хусусида баҳс юритамиз. Савол туғилади: “Рус тили ўзбеклар лисоний онгига қандай таъсир қилди? Ўзбеклар олам лисоний манзарасида рус тили таъсирида қандай ўзгаришлар юзага келди?”. Дастлабки кузатишларимиз асосида бу саволга қуйидаги жавоб олинди: рус тили ўзбекларнинг олам лисоний манзарасига когнитив, прагматик, семантик, структур таъсир қилди. Раҳмат, салом, хайр, байрамингиз билан, туғилган кунингиз билан, янги йилингиз билан, 8-март билан, хайрли кун каби конструкциялар с празником, с днем рождения, с новым годом, с 8-го марта, добрый день каби бирликларнинг калькаланиши натижасидир. Бошлиқ ўзидами (начальник у себя?), ўзингизда бўласизми (будете у себя?), сомса нима билан (пирожки с чем?), булочка нима билан (булочки с чем?), пицца нима билан (пицца с чем?) каби бирикмалар бавсда кўрсатилганидек рус тилининг таъсирида шаклланган.

“Сомса нима билан?” саволига “қовоқли, гўштли, товукли” ёки “қовоқ сомса, кўк сомса, гўшт сомса”, “пирожки нима билан?” саволига “картошкали, сосискали”, “булочка нима билан?” саволига “творогли, малинали, жемли, мурабболи, ёнғоқли” деган жавоблар берилди. Аммо “сомса нимали?, пирожки нимали?, булочка нимали?, пицца нимали?” деб сўраб бўлмайди. Табиийки, бундай ҳолат юқорида келтирилган конструкцияларнинг рус тили таъсирида шаклланишини кўрсатади.

Кейинги йилларда “бу ишни эплаш ҳаммагамас” ибораси анъанага кирди. Жумладан, бу мазмун “биринчи йилнинг ўзидаёқ молия институтига 189 балл билан грантга кириш ҳаммагамас”, “жамиятдаги камчиликларни очиқ айтиш ҳаммагамас” типидagi жумлалар шаклида учрайди. Бу ҳам рус тилидаги “... не всем дано” бирикмасининг таржимаси таъсирида шаклланган.

Ўзбек мулоқот маданиятида саломалаш иш ва кўришишнинг ўзига хос жумла ва бирикмалари маълум. Булар, асосан, “Ассалому алейкум”, “ваалейкум ассалом” дан иборат: У, ассалому алайкў-ўм, деб кириб келди. Чолларни кўриши билан бу ерда

ичишнинг сира иложи йўқлигига ақли етиб пешонаси тиришди (Саид Аҳмад. Танланган асарлар. II жилд. Ҳажвиялар, пьесалар. –103-бет).

Аммо кейинги даврларда саломлашишнинг бир қанча кўриниши урфга айланди. Масалан, қисқа шаклда (гарча бу ёши катта кишилар орасида жиддий эътирозларга сабаб бўлса-да) “Ассалом”, “Салом”, “Қалай?”, “Ишларингиз қалай?” типигаги конструкциялардир. Шунингдек, мурожаат шаклига ўртоқ, граждан сўзларини кўшиб айтиш урфга кирди:

М у х б и р. (индамай атрофни айланиб, ўзига керакли объектни қидира бошлайди.) Салом, ўртоқ Бобоева!

Ф а р м о н. (огоҳлантириб). Мени ўғлим мелиса.

М у х б и р. А? Яхши.

С о т т и. Мени эрим институтда домла. (Саид Аҳмад. Танланган асарлар. II жилд. Ҳажвиялар, пьесалар. 228-бет)

Кейинги вақтларда “Ассалому алейкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху” шаклида сўрашиш ҳам анъанага кирдики, бу диний турмуш тарзининг таъсири саналади. Ёки кейинги 8-10 йилда жума кунлари кишилар орасида “Жума муборак” мазмунидаги табрикнинг пайдо бўлиши ҳам ўзбек лисоний манзарасидаги ўзгаришни кўрсатади.

Тадқиқотимиз доирасида саломлашиш мулоқоти нутқ бирликларини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўровнома ўтказдик. Ижтимоий сўровнома респондентлари 3 тоифадаги ёшга ажратилди:

- 1) мактаб ёшидаги сўзловчи ва тингловчи;
- 2) 18-25 ёшдаги сўзловчи ва тингловчи;
- 3) ўрта ёшли сўзловчи ва тингловчи;
- 4) катта ёшли сўзловчи ва тингловчи.

Булар орасида саломлашиш сўзларини кузатиш шуни кўрсатдики, катта ёшли кишилар орасида “Ассалому алейкум”, “Ва алейкум ассалом” каби ўзбек маданиятига хос бўлган тўлиқ кўриниш қўлланса, ўрта ёшлилар орасида “салом”, “қалай” каби қисқартма шакллар кенг фойдаланишда эканлиги кўринди. Масалан:

Усмонжон икки кунгача қайнотасиникида ётиб қолди. Замира деган қайнсинглиси келиб уйларни, идишларни қатрон қилди. Поччаси тутиб қўйган кўрпа филофларини энди кўтараман деб турганди. Қўнғироқ чалинди. Эшикни очиши билан ассалому алайкум, деб ўрта яшар эрхотин икки ўғлини эргаштириб кирди. Болалардан бири яқинда кўзини очган қоп-қора кучук боласини кўтариб турарди. (Саид Аҳмад. Танланган асарлар. II жилд. Ҳажвиялар, пьесалар. – 37-бет).

Ф а р м о н. Мана шулар менинг ўғилларим

Ўғ и л л а р. Ассалому алайкум!

Ф а р м о н. Ҳаммаси мени хурмат қилишади. Ҳозир сўрайман. Болажонларим!  
(Саид Аҳмад. Танланган асарлар. II жилд. Ҳажвиялар, пьесалар. – 235-бет)

Мақтаб ёшидаги респондентлар ўзидан катта, ёши улуг кишиларга “Ассалому алейкум” деб муружаат қилса, тенгдоши билан саломлашишнинг қисқа шаклларидан фойдаланади. Ўрта ёшли сўзловчилар орасида саломлашиш ифодалари қўлланиш ўрнига кўра хосланган: улар расмий давраларда “Ассалому алейкум” иборасини қўллашса, ўзаро смс ва интернет ёзишмаларида “Хайрли кун”, “Кунингиз хайрли бўлсин!”, “Салом” ифода бирликларини қўллашади.